O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ислом КАРИМОВ:*

**Ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос — бу миллий ғоя, миллий мафкура бўлиши шарт.**


# O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
13 АПРЕЛЬ,
ПАЙШАНБА

№ 45 (25.595).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN


## ТУРКУМ СЕМИНАРЛАР

Республика «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармалари, Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти ва Конрад Аденауэр жамғармаси, ТАСИС, Ўзбекистон ишбилармон аёллари уюшмаси, журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси жойларда «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги роли, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлари ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида туркум семинарлар ўтказмоқда.

Яқинда Қарши шаҳрида кўп босқичли семинар ўтказилди. Унда ҳокимлик вакиллари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ижтимоий соҳага тегишли ташкилотлар раҳбарлари, журналистлар иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, К.Аденауэр жамғармаси минтақавий вакили В.Шрайбер Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва қишлоқни иқтисодий ривожланишига қаратилган қонунларни амалда қўллаш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

■ **Ўз мухбиримиз**

## ТАФАККУРИ УЙҒОҚ ТАЛАБАЛАР

**Юртбошимизнинг бугунги миллий мафкурамиз хусусидаги фикр-мулоҳазалари биз талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Тошкент химия-технология институтида ҳам худди шу мавзуда йиғилиш бўлиб ўтди.**

**— Миллий мафкурамизнинг эртаси нечоғли теран, мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан бугунги талаба ёшларнинг маънавий дунёсининг бойлигига боғлиқдир, — деди институтнинг маънавият масалалари бўйича проректори Ашраф Эминов. — Зотан, тафаккури уйғоқ талаба ёшларгина миллий мафкурамизнинг умрбоқийлигини таъминлайдилар.**

**Дарҳақиқат, анжуманда институт талабалари ўзларининг мустақил фикр-мулоҳазалари, дунёвий воқеаларга нисбатан холис муносабатлари билан миллий мафкурамизнинг теран илдизи борлигидан шоҳидлик бердилар.**

■ **Барно РАҲИМЖОН қизи**

## ДАРСЛИК СОВҒА ҚИЛИНДИ

Юртбошимиз ҳамиша «Савобни ҳар ким, ҳар куни қилмоғи керак», дея ўгит беради. Чунки бу юрт одамлари саховатпешадир.

Нукус шаҳридаги 15-сонли ўрта мактаб ўқувчиларига «Қорақалпоқбўян» ҳиссадорлик жамияти жамоаси совға-саломини улашди.

Ўтган йили сайловолди учрашувларда жамият раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Султон Каниёзов мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашга ёрдам кўрсатажаклигини билдирган эди. Бугун эса ваъдасининг устидан чиқиб ўзи сайланган округ ҳудудидаги тўрт мактабга, шу жумладан 15-сонли ўрта мактабнинг 2-6 синф ўқувчилари учун лотин алифбосидаги дарсликларни совға қилди.

Шу йилнинг 1 августигача яна лотин алифбода нашрдан чиққан 7-синф ўқувчиларига 800 минг сўмлик дарслик олиб беришмоқчи.

Бундай ғамхўрликдан мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар миннатдор.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Кўприк қур, кўп ўтади** — **Владимир ПАНОВ олган сурат**

**МУЛОҲАЗА**

## КИНОИЖОДКОРЛАР, ҚАЕРДАСИЗ?

Кейинги пайтда матбуот ва телевидение ёшлар тарбияси мавзусига кенг ўрин бермоқда. Зеро, шу мавзуга бизда эҳтиёж катта. Ёшлар умидимиз, орзуларимиз. Энг муҳими, мустақил юртимиз келажаги улар қўлида.

Зиёли инсон, қолаверса жамиятнинг тинч, осойишта ривожига бевосита дахлдор шахс сифатида тарбиявий ишимиздаги бир нозик масалага муносабат билдирмоқчиман. Охирги пайтда айрим ёшларнинг диний-экстремистик оқимларга қўшилиб қолаётгани, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилиш ҳоллари албатта, ташвишли. Буларга сабаб кўп: баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандлари камолига эътиборсизлиги, маҳалла-кўй, қўни-қўшниларимиз ёшларга талабчанликни бўшаштирганликлари ва бошқалар.

Хўш, ёшларимизнинг асосий қисми ўқишдан ёки ишдан сўнг нима иш билан машғул? Кузатишлар шундан далолат беряптики, ёшлар кўпроқ видеомагнитафонни ишга солишади. Хорижнинг жангари, қўрқувли ва эротик фильмлари ёшларимизнинг асосий эрмагига айланиб қолмоқда. Бунақа «асар»лар ҳозир барча дискотекаларда «уруғлаб» ётибди.

Халқимизда ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақл бор. Ҳали ёш, қони қайноқ йигит-қизлар маънавиятига, ўзини тутишига, қолаверса, ахлоқига юқоридаги каби фильмлар таъсир қилмаяпти, деб ким кафолат бера олади.

Албатта, мен видеошаҳобчадан барча кассеталарни йиғиштириб олиш керак, деган таклифни билдирмоқчи эмасман. Аксинча, уларга муқобил равишда ўзимизда, ёшлар эҳтиёжига монанд фильмлар ишлаб чиқаришга киришиш керак, деб ҳисоблайман.

Афсуски, республикамиз киноижодкорлари яратаётган ленталар кўнгилни тўлдирмайди. Борлари, яъни қайта-қайта кўрсатилаётган комедия жанридаги, зўраки кулгу чиқаришга уринилган фильмлар, назаримда, киши энсасини қотиради. Масалан «Ака Шариф», «Бомба», «Абдуллажон» фильмларини олайлик. XXI аср арафасида ўзбек «қўл соатни билагига латтада боғлаб» юрса ёки «кетмон миниб учса» уят эмасми?! Ўзбекистон милиционерлари орасида «авиобомбани» танимайдигани... Билмадим, тун-кун осойишталигимиз йўлида заҳмат чекаётганлар, керак бўлса жонини бу иш учун тикишга тайёр посбонларимизга нисбатан ўринликмикан, шу ҳазил.

Мустақил бўлганимизга яқинда тўққиз йил тўлади. Киноижодкорларимиз милиция, Қуролли Кучлар, ички қўшинлар, чегарачилар ҳақида бадиий фильмлар яратиш тўғрисида ўйлашяптими? Америкача ватанпарварлик ҳар бир кассетада кенг тарғиб этилаётган лонталар ўрнига улар нима таклиф қилишлари мумкин? Ёшларимиз учун она-Ватанни муҳофаза этишга руҳлантирувчи, юртимизга садоқатни тарбияловчи ғоялар мужассам бўлган фильмлар яратиш фурсати келмадимикан?! Соғлом авлод шаклланаётган ҳозирги даврда, миллий мафкурамиз тафаккуримизнинг таянч нуқтасига айланаётган бир пайтда киноижодкорларимиз ҳам астойдил ишлашлари зарур, менимча. Шундай асарлар бўлсинки, ватанпарварлик руҳидан ёшларимиз ғурурлансин, давлатимиз байроғи кўтарилганда, мадҳиямиз янграганда фахрга, ифтихорга тўлиб-тошсин!

Яқинда бизнинг шифохонада бир йигит даволанди. Экстремист-бандитларни қўлга олишда қатнашган. Халқимиз, юртимиз тинчлигини азиз билган бу йигитча гранатага ўзини тутиб берган, қўлларидан айрилган. Ҳали уйланмаган, қилган ишини савоб деб билувчи бундай қаҳрамонларни тенгдошларига намуна қилиб қачон кўрсатамиз?!

— Санъатлар ичида инсон мафкурасига энг тез таъсир ўтказувчи воситалардан бири — бу кинодир. Демак, киноижодкорлар шунга яраша иш тутишса, мақсад мувофиқ бўлур эди.

■ **Неъмат ҒОФУРОВ,**
**Ички ишлар вазирлигининг Наманган шаҳридаги шифохонаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.**

**ЙИЛ ОЙ КУН**

## СИФАТЛИ ЭКИШ — КУЗГИ ҲОСИЛ ЧЎҒИ

Апрель ҳавосининг илиқ келиши ердаги намни бир қур кўтарди, илиқ шабада эса бошлади юртимизда. Деҳқон меҳнатининг кузги маҳсули бугундан бошланишини тўғри англаган Андижон вилояти деҳқонлари режадаги 106 минг гектар майдоннинг барчасига тўлалигича чигит қадаб бўлишди. Вилоятда мавжуд 2568 та чигит экиш агрегатидан етарлича фойдалана билишди. Аммо бу кўрсаткич барча вилоятда ҳам бирдек эмас. Обҳавонинг қулай келишидан етарлича фойдалана билмаган сирдарёлик деҳқонлар 11 апрелгача режадаги 135 минг гектар майдоннинг 23.9 минг гектарини, аниқроғи 17.7 фоизини экиб улгуришди. Қашқадарёликлар 26.3, жиззахликлар эса 34.5 фоиз майдонга чигит уруғи қадашди. Ваҳоланки, экиш агрегатлари Қашқадарё вилоятида 2112 тани, Жиззах вилоятида 493 тани, Сирдарё вилоятида эса 817 тани ташкил қилади.

■ **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати**

## ҚЎРҒОНДА КИЧИК БАНК

Навоий туманидаги Маликрабод қўрғонида кичик банк иш бошлади, — деб хабар беради **мухбиримиз Музаффар Шаропов.** — Вилоят «Пахтабанк»ига қарашли бу шўъбада мижозлар, тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, аҳолининг табиий газ, электр энергияси ҳамда коммунал хизмат учун тўловлари ҳам бевосита кичик банк орқали қабул қилинмоқда.

## ҚЎШМА КОРХОНА ОЧИШ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ



Элликқалъа тумани маркази — Бўстонда «Элтекс» корхонаси ишлаб чиқараётган кийимкечаклар харидорларга маъқул бўляпти.

— Ўтган йили режаларимизни ошириб бажардик, — дейди «Элтекс» бош иқтисодчиси Караматдин Исаев — 456 миллион 297 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб сотилди. Соф фойдамиз 73 миллион 172 минг сўмни ташкил этди. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 7 минг 500 сўмдан тўғри келди.

Жамоа аъзолари яна бир хайрли ишни — Киев шаҳридаги Азот корхонаси билан ҳамкорликда тиббиёт пахтаси ишлаб чиқарадиган корхонани қуришни мўлжаллашяпти. Шунда яна 60 ишчи ўрни очилади, туман поликлиникаси ва касалхоналарига тиббиёт пахтасини четдан келтиришга ҳожат қолмайди.

■ **Ешимбет РЕЙИМБОЕВ**

## ИЛМИЙ МАРКАЗГА ҚИЗИЛ ХОЧ ҚЎМАГИ

Давлат шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази Бухоро филиалида замонавий тиббий асбоб-анжомлар, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондиришда Германия билан ҳамкорлик жуда қўл келяпти. Филиал иш бошлаганидан буён Германия Қизил хоч ташкилоти беминнат ёрдам кўрсатиб келяпти. Хусусан, телеускунали ҳаракатланувчи рентген аппарати, травмотология соҳаси учун ўта зарур тўртта ускуна, ҳар томонлама қулайликка эга замонавий функционал каравот ҳамда 20 турдаги 480 минг сўмлик дори-дармонлар ёрдам тариқасида берилганлиги ўзаро ҳамкорликнинг нақадар беғаразлигидан далолатдир.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## СУВДА ЧЎКМАС, ЎТДА ЁНМАС...

Бу — меҳр, бу — мурувват. Саховатли қалбларнинг далдаси. Мансабдорнинг фуқарога яқинлашуви. Яна нима деб аташ керак? Хуллас, миллий қадрият ва туйғуларимиз шу сўзларда мужассамдир. Буни Қашқадарё вилоят Баҳористон туманида яшайдиган Лутфулла Мўминовлар оиласи ҳам бошдан кечирди. Ёнғин чиқиб, уйи ёнганда, қалби ҳувиллаб қолгандай туюлганди. Шукрки, туман ҳокимлиги бу фалокатдан хабар топган заҳоти ҳамма ишга бош-қош бўлди. Илгари бўш ётган чўлқуварлар уйи тезликда таъмирланди, газ ва сув қувурлари тортиб келинди. Ёнғиндан жабр кўрган оила шу уйга кўчириб келинди. Очиғи, ҳокимлик буни реклама учун қилмади. Халқ дарди билан яшай олишини яна бир бор исботлади. Энг муҳими ҳам шу.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ**

## САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИГАНГА ЎХШАЙДИ

Бундан қарийб 10 йил аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ироққа нисбатан санкция қўллашни бошлаб юборган эди. Яқинда АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн агар Саддам Ҳусайн хукумати ағдариб ташланмаса, санкциялар ҳеч қачон бекор қилинмайди, деди.

## ЭЛЧИХОНАГА БОСТИРИБ КИРИШДИ

Собиқ контрасчилардан иборат 25 кишилик гуруҳ Никарагуа пойтахтидаги Перу элчихонасини босиб олди. Бу одамлар саксонинчи йилларда Никарагуанинг Сандиночилар хукуматига қарши қуролли урушда иштирок этишган эди. Энди улар Перудан сиёсий бошпана талаб қилишмоқда.

## НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

Ўтган ҳафтада Боливия ҳукумати сувдан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақни 20 фоизга оширишини эълон қилган эди. Биринчи бўлиб Кочабамба шаҳри аҳолиси бу қарорга қарши чиқди. Улар кўчаларга чиқиб норозилик намойиши уюштиришди. Мамлакатнинг бошқа туманлари аҳолиси ҳам уларни қўллаб-қувватлашди. Қишлоқ жойлардан 10 мингдан зиёд деҳқонлар етиб келишди. Армия бўлинмалари намойишчиларга қарши қуроллардан фойдаланишди. Натижада 3 ҳарбий ва 5 деҳқон ҳалок бўлди. Шундан сўнг талабалар намойиши бўлди. Улар мамлакатдаги фавқулодда ҳолатни бекор қилишни талаб этишди. Касаба иттифоқидагилар эса уларни қўллаб-қувватлашди. Президент Уго Бансер фавқулодда ҳолатни бекор қилиш нияти йўқлигини айтди. Агар норозилик давом этаверса, бутун Боливия бўйлаб ҳарбий назорат ўртнатиши мумкинлигини маълум қилди.

## ЮРАК ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Сербия Президенти Милан Милутиновичнинг юраги операция қилинди. Шифокорларнинг айтишича, ушбу жарроҳлик тадбири муваффақиятли амалга оширилган ва айни пайтда президентнинг аҳволи яхши.

Сербия раҳбарини жарроҳларга мурожаат этишга мажбур қилган касаллик сабаблари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

## БОМБАЛАР ДЕНГИЗДАН ҚИДИРИЛМОҚДА

НАТО ўтган йили Югославияга қарши ўтказилган ҳарбий операция вақтида Адриатика денгизига тушган бомбаларни излаш ишларини қайта бошлади. Ушбу тадбирда алянсга аъзо бўлган тўрт мамлакат — Германия, Греция, Италия ва Туркиянинг бешта ҳарбий кемаси иштирок этмоқда.

Югославияга қарши ҳарбий операция вақтида НАТО самолётлари Адриатикага 160 дан ортиқ турли бомба ташлаган эди.

## РЕЖАДА УМУМИЙ АВФ

Вьетнамда АҚШга қарши уруш тугагани ҳамда Шимол билан Жануб бирлашганига 25 йил тўлиши муносабати билан умумий афв эълон қилиш режалаштирилмоқда. Афв этилиши мўлжалланаётганлар рўйхатини тасдиқлаш учун яқин кунлар ичида Вьетнам Президенти Чан Дик Лиогуга тақдим этилади. Бу сўнгги йиллардаги энг йирик афвнома бўлиб, унга мувофиқ 12,5 минг маҳбус озод этилиши керак.

## БОШИ ТАНИДАН ЖУДО ҚИЛИНДИ

Саудия Арабистонида филиппинлик Роналдо Пассиллонинг боши танидан жудо қилинди. Муҳожир ишчи ўзининг индонезиялик жазманини ўлдирганликда айбланган эди.

Сўнгги вақларда «Халқаро афв» ташкилоти Саудияда қатллар кўпайганидан кучли норозилик билдираётир. Шундай бўлса-да, Ар-Риёд маъмурияти ўлим жазосини бекор қилмаслигини айтмоқда.

ЯРАТУВЧИЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Мен табиатан ихтирога мойил одамман, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишида энг аввало ихтирочиларнинг ижоди ва тутган ўрнини бирламчи, деб тушунаман. Мамлакатимизда ҳар йили мингга яқин янгилик ва фойдали моделлар кашф этилаётган бир пайтда «илғор технологияларни» ҳанузгача четдан, валюта ҳисобига сотиб олиб келинаётганлиги мени жуда-жуда ташвишлантиради. Юксак иқтисод ва технология эгаси деганда бутун жаҳон АҚШ, Япония ёки Ғарб мамлакатларини эмас, айнан бизнинг Ўзбекистонни тасаввур этишларини истайман ва бунга яқин келажакда эришишимиз керак.

Собиқ шўролар даврида, бундан 20 йиллар муқаддам биз оиламиз билан 5-6 йил давомида паррандачиликни атайлаб ўргандик. Натижада ойига 40 тонна курка гўшти ёки 150 минг дона тухум етиштириб берадиган фермерларга мўлжалланган товуқхона лойиҳаси барча технологик тавсифи билан вужудга келди. Бу оиламизнинг кўп йиллик меҳнати натижаси эди. Товуқхона иқлим шароитимизга мос эди. Айлана шаклда, ем охирлари хона ташқарисида, 1 метрда 10 та эмас, 14 товуқ боқиларди. Мен уни кўпчиликка жорий қилиш мақсадида ўша пайтдаги «Птицепромга» мурожаат қилдим. Улар эса менга битта хонада устма-уст, 5 қават қилиб товуқ боқиладиган, компьютерлашган технологияни рўкач қилиб, рад жавобини беришди. Товуқ нафас чиқараётганда заҳарли аммиак гази ажратиб чиқаради. Ўзинии ўзи заҳарлаб қўйиши мумкин. Шахсан мен компьютерга қарши эмасман, лекин 7 ёшдан 70 яшаргача бўлган, оддий қишлоқ аҳолиси фойдалана биладиган содда технология тарафдориман.

80-йиллар охирида «Тошкент оқшоми» газетасида собиқ Ҳамза тумани ижроқўми томонидан дарахт шоҳ-шаббаларини майдалаб бера оладиган тиркама мосламага танлов эълон қилинди. Бизга «Чизмалари эмас, ишлаб турган нусхаси керак», деб у ерда ҳам рад жавобини беришди. Ўша эълондаги тил билан айтганда шу кунда ҳам «транспортларда шох-шабба эмас, ҳаво» ташилаяпти. Товуқхонанинг ҳам, шоҳ-шаббани майдалаб берадиган тиркагич мосламанинг ҳам чизмалари уйда чанг босиб ётибди. Буларнинг барини бежиз эслаётганим йўқ. Юртбошимиз янги сайланган депутатларимизга биринчи сессиядаёқ ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш кераклигини бекорга уқтириб ўтмадилар.

Ҳозир ҳам ихтирочилик билан шуғулланаман. Мустақиллигимиздан кейин шиддат билан ривожлана бошлаган банк тизимларимизнинг муваффақиятларини ҳисобга олиб, сейф яратдим (патент №3631, 1996 й). Уни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида. Марказий банкка таклиф киритдим. Маъмурият чизмаларимни кўриб чиқиб маъқул топишди, лекин менинг олдимга бир ой мухлат ичида ишлаб турган нусхасини олиб келиб кўрсатишимни шарт қилиб қўйишди. Тошкентда мен учрашмаган завод деярли қолмади. «Битта сейф ясаш жуда қимматга тушади, агар уларга ўзлари айтганларидек, ҳақиқатан ҳам 200 та сейф керак бўлса, ҳисоб-китобини чиқазганимиздан кейин, умумий сумманинг 50-60 фоизини ўтказсалар ишни бошлаймиз», деб жавоб беришди. Ўзимда пул йўқ эди. Банклар гаров талаб қилиб кредит беришмади. Шунинг орасида бир ой берилган муҳлат ўтиб ҳам кетди. Марказий банк эса маъмурий биносининг битиб қолганлиги туфайли эшитишимча, 200 та сейфни Японияда сотиб олишибди. Ундан кейин ҳам қанча банклар ва уларнинг жойлардаги шаҳобчалари ташкил топди, аниқки, барчаси ҳам сейфларни четдан сотиб олишган, чунки бизда ҳали мураккаб банкларбоп сейфлар ишлаб чиқарадиган корхоналар йўқ.

Газ тақсимлаш станциясида анча йил ишлаганлигим, катта босимдаги газни ростлаб турувчи (регулятор) ускунадаги айрим нозик жойларидан хабардор бўлганлигим ва ушбу регуляторлар ҳанузгача четдан (Россия, Италия) олиб келинаётганлигини ҳисобга олиб, бир пайтнинг ўзида, ҳеч бир ўзгартириш киритилмасдан ҳам регулятор, ҳам кран вазифасини бажара оладиган ускуна яратдим. Бироқ «Ўзбекнефтгаз» концернидан ё ҳа, ё йўқ, деган жавобни ололмадим. (Патент № 5423, 1993 й).

Мана шу кечинмалардан кейин ихтирочиларнинг жуда бўлмаганда биринчи ишига йўлланма бериб, оёққа туриб олгунларига қадар уларга ҳукуматимиз томонидан аниқ ва амалий ёрдамлар кўрсатилиши керак экан, деган хулосага келдим.

Олий Мажлисимизга сайланган депутатларимиздан умидимиз катта. Шунинг учун ҳам депутатларимиздан, айниқса фан ва техника, қонунчилик қўмиталарига аъзо бўлган депутатларимиздан шахсан ўз номимдан қуйидаги масалаларни ҳал қилиб, бизларга ёрдам беришларини илтимос қиламан.

1. Ўзбекистон телевиденисида ихтирочилар тўғрисида изчил кўрсатувларни ташкил этиш.

2. Ихтирочиларга асосий патент ёки дастлабки патентларни Патент идорасида давлат божини кейинги ярим йил давомида тўлаш шарти билан кредитга расмийлаштириш ҳуқуқини бериш масалаларини кўриб чиқиш.

3. Ихтирочиларга танлов асосида шу бугунги кунда энг муҳим ва ҳаётда зарур деб топилган ихтиролларнинг биринчи нусхаларини яратиб беришда ва уларни синовдан ўтказиб беришда уларга амалий ёрдам бериш мақсадида технопарк (мини завод) ташкил этиш.

4. Ёшларимиз орасида ихтирочиликка ихлос уйғотиш ва қобилиятли ихтирочи ёшларимизни аниқлаб, уларга йўл-йўриқлар кўрсата оладиган, шунингдек ихтирочилар уюшмаси вазифасини бажара оладиган, «Ихтиро ва ёшлар» деб номаланувчи илмий-оммабоп журнал чоп этишни йўлга қўйиш.

■ **Сейтимбет БАЛТАБАЕВ,**
**ихтирочи**

*Хатлар*
*Хатлар*
*Хатлар*

# ЮРАК «ПОСБОНИ» ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Кардиолог олим Қаландар Бобожоновни мамлакатимизда яхши билишади У ўн олти йил мобайнида Украина тиббиёт фанлари академияси юрак-қон томирлари жарроҳлиги илмий-тақшириш институтида таниқли академик Н. Амосов раҳбарлигида ишлаган, тажриба тўплаган.

У ўзи ташаббускор бўлган Андижондаги юрак-қон томирлари жарроҳлиги марказида 130дан ортиқ туғма ва орттирилган юрак пороклари операцияларини амалга оширди ёки шунча кишига иккинчи ҳаёт бахш этди.

Бобожонов 1994 йилда Хоразмда ҳам шундай марказ очилишига бошчилик қилди ва икки йилдан сўнг марказнинг тўла ишга туширилишига эришди. Ўтган фурсатда марказда тўрт юздан ошиқ юрак операциялари амалга оширилди. Шунинг 105 таси сунъий юрак воситасида бажарилди.

Ўзбекистонда у биринчи бўлиб уддасидан чиққан мураккаб ва ноёб операциялар тиббиёт оламини бойитди. Булар — юракка икки-уч клапан ўрнатиш, туғма порок (тетрада фалло) касаллигини жарроҳлик йўли билан бартараф қилиш. Эндиликда бу ерда дунёнинг энг машҳур жарроҳлик марказларида бажариладиган операциялар ҳам бекаму кўст амалга оширилмоқда...

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, минтақада 5 минг нафарга яқин, Хоразмда эса икки минг бемор юрак жарроҳлик операциясига муҳтож. 8176 нафар киши юрак-қон томирлари тизими хасталиги бўйича ногиронлик нафақаси олади. Ана шуларни инобатга олиб республика Вазирлар Маҳкамаси вилоятда кардиохирургия маркази очилишини маъқуллади. Марказнинг биринчи босқичи учун зарур ускуналар харид қилиниб, келтирилди. Аммо, марказнинг тўла жиҳозланиши ва юқори сифатли хизмат кўрсатиши учун иккинчи босқич жиҳозлаш ишлари тўхтатилиб қўйилди. Зарури — бир дона рақамли ангиографик лаборатория харид қилишдир.

Дўхтир Қаландар Бобожонов бу лабораториянинг зарурлигини ва афзаллик томонларини баён қилиб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назировга мактуб билан мурожаат қилди, бу борада нуфузли анжуманларда фикрларни ўртага ташлади. Аммо, бу ҳаракат ва интилишлардан ҳамон натижа йўқ.

Воҳада чин маънода «юрак посбони» номини олган дўхтирнинг ўзи бугун ёрдамга муҳтож.

■ **Арслон ОТАЖОНОВ,**
**журналист.**

# САРСОН БЎЛГАН АРИЗАЛАР

Ҳурматли таҳририят!

Ҳозирги вақтда бизнинг маҳаллага шағал тўктириш ва ичимлик суви келтириш катта муаммога айланиб қолмоқда. Ажабланарлиси шундаки, биз масъул ташкилотларга мазкур муаммолар билан кўп йиллардан буён мурожаат қилиб келишимиз натижаси шу бўлдики, ичимлик суви ҳам, шағал тўктириш ҳам биздан юқори маҳаллага келиб тўхтаб қолган. Шуниси қизиқки, юқори Амир Темур маҳалласидан бир-икки жойда водопровод ўрнатилгани ҳолда вилоят ҳокимлигидан «500 метр сув қувурлари ётқизилиб, Ибн Сино маҳалласи ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди», деган жавоб келиб турибди. Ваҳоланки, бизни ичимлик суви билан таъминлаш учун 500 метр эмас, балки яна 2 минг метр сув қувурлари керак.

Бу воқеаларнинг барчасини туман ҳокимлигининг ўта масъулиятсизлиги, деб биламиз. Чунки туман ҳокимлигидан норози бўлиб ёзган шикоятларимиз республикадан вилоятга, вилоятдан эса яна шу туман ҳокимлигига кўриб чиқиш учун юборилмоқда, аммо улар...

Биз юқорида келтирган муаммоларимиз қачон ҳал бўларкин?

■ **Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Ибн Сино маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан Жуманазар АКРОМОВ, Нормўмин АБДУСАЛОМОВ, Азим КАРИМОВлар.**

*Самарқанд туманида истиқомат қилаётган Облоқул бобо Пўлатов ҳозир 76 ёшда. Кекса бўлишига қарамасдан, бу отахон ўзи яшаб турган Улуғбек номли қишлоқ фуқаролар кенгашида туман маданият бўлими ва тумандаги 8-ўрта мактаб жамоаси ёрдамида яхшигина музей ташкил этди. Мазкур музей 10 та бўлимдан иборат бўлиб, 2000 га яқин экспонатга эга.*

*— Ватан кишининг туғилиб ўсган юртигина эмас, балки кишининг виждони, дини, тили, бебаҳо анъаналари, буюк ўтмишидир, — дейди Облоқул бобо.*

*Дарҳақиқат, қадимий ўзбек каштачилигимизнинг асрлар оша шуҳрат қозонган, кўзни қувонтирадиган намуналари, палаклар, халқ бадиий ҳунармадчилиги ва амалий санъати ёдгорликлари бўлган турли хил кўзалар, обдаста, самовар, мис баркашлар, нозик дид билан ясалган нақшинкор сандиқлар, самарқандлик дурадгорлар томонидан яратилган бешик, эгар-жабдуқ, чарх каби нодир буюмлар музейга келган ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

# МАЪНАВИЯТ ЖАРЧИЛАРИ

***Суҳбатдошимиз Муҳиддин Маматқулов Сурхондарё вилояти «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият раиси, 33 ёшда, мақсади республика оммавий ахборот воситалари билан вилоятни тўлиқ таъминлашга эришиш.***

**— Муҳиддин ака, ҳозирги кунда вилоятда қанча газета ва журналлар сотиляпти?**

— Хабарингиз бор яқинда вилоятимизда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Юртбошимиз юракка бориб тегадиган, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган масалалар ҳақида батафсил сўзлади. Шулардан бири маънавият ва маърифат масаласига алоҳида эътибор берди. Маънавияти юксак халқ буюк бўлишга ҳақлидир. Аҳолининг онгини ўстиришда, ўз ҳуқуқини англаб етишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Бизнинг ташкилотимиз асосий эътиборни вилоятимизга келаётган газета ва журналларни тезроқ эгасига етказиш, савдосини ташкил қилишга қаратган. Ҳозирги кунда вилоят, республика ва ҳатто хориж мамлакатларида чоп этилаётган газета ва журналлар матбуотимиз дўконларида сотилмоқда.

**— Савдода битта қоида ҳукм суради, яъни талаб ва эҳтиёж. Вилоятда қайси газета ва журналларга талаб кучли?**

— «Постда», «На посту», «Қалб кўзи», «Спорт экспресс», «Футбол экспресс», «Труд», «АиФ», «Оила ва жамият», «Мулкдор» газеталари қатори «Ўзбекистон овози» газетасига ҳам, айниқса, кейинги пайтларда қизиқиш кучайди. Атай айтаяпти демангу, бу бор гап! Газетангизнинг иловаси «Осиё бозори»нинг бозори кун сайин чаққон бўлмоқда. Шу пайтгача «Ўзбекистон овози»нинг обуначилардан ташқари 150 донаси савдога чиқариларди. Эндиликда қўшимча 200 дона савдога чиқаришни режалаштирдик.

**— Мана сиз оддий матбуотни кузатувчи сифатида республика газеталаридаги камчиликлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?**

— Биласизми, газеталарни танқид қилмоқчи эмасман, аммо камчиликлар бор. Республика газеталари саҳифаларида халқнинг руҳи кам сезилади. Журналистлар халқ ичида юриб, уларнинг муаммоларини, қизиқишларини, давлатимиз сиёсатини нечоғли тушуниб етишлари, ҳуқуқий демократик давлат қуриш асослари ҳақида уларнинг фикрларини кенгроқ ёритиш керак. Ҳар ким ўз фикрини ўзича ҳақиқат деб билади. Қачонки уни омма орасига олиб чиқилса, ютуқ ва камчилигини ўзи ҳам англаб етади. Ҳукуматимиз кексаларни эъзозлашни, маънавий ва моддий кўмак бериш лозимлигини доимо уқтириб келади. Пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, етим-есирларнинг муаммоларини ёритишга аҳамият бериш керак, деб ўйлайман. Ёшлар муаммоси ҳам ўта долзарб бўлиб турибди. Уларни йўлга бошлайдиган, маънавий етакчилик қиладиган газета бўлиши керак. Умуман ҳамма оммавий ахборот воситалари ёшларга, уларнинг муаммоларига кенгроқ ўрин бериши бугунги куннинг вазифасидир.

Истаймизми, йўқми, бугунги ўқувчи мунажжим башорати, кроссворд, қўшиқчилар ҳаёти ва тезкор ахборотга ўта чанқоқ. Баъзида газеталарда берилаётган ахборотлар ҳафталаб кечикади. Кечиккан ахборот кимга керак?

**— Газета дўконларида сотилмай қолаётган газета ва журналлар...**

— Ҳали ўзингиз айтдингиз, биз талаб ва эҳтиёжга қараб газета ва журналларни савдога чиқарамиз. Ҳозирча сотилмай қолаётгани йўқ.

**— Менимча, муаммосиз ташкилотнинг ўзи бўлмаса керак, сизларни қийнаётган муаммолар ҳам борми?**

— Кўп. Келинг асосийсини айтай, республикада чиқадиган газета ва журналлар пойтахтимиз дўконларига эрта тонгдан савдога чиқарилади. Бизга эса 11-12, баъзида 14.00 лар чамаси етиб келади. Тарқатгунимизча вақт кетади, айниқса узоқ Бойсун туманига соат 16-17 ларда етиб боради. Газета кундалик ҳаёт, шундай экан қанчалик ўз вақтида етиб келса, биз шунчалик ўз вақтида мухлисларга етказиб берардик. Муштарийлар ҳам газеталарда чиқаётган қонунларни, қарорларни, фармонларни, мамлакатимиздаги иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларни ўз вақтида ўқиб боришарди. Шу масалага мутасадди раҳбарлар жиддийроқ эътибор беришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Муҳиддин Маматқулов вилоятдаги энг ёш кадрлардан. У кишининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги натижасида вилоят «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият ўтган йилни соф фойда билан якунлади. Жамиятда 50 миллион сўмлик маҳсулот айрибош қилинди. Фойда ҳисобидан корхонанинг маъмурий идораси, матбуот дўконлари замонавий усулда таъмирланди. Биргина Термиз шаҳрида 30 га яқин матбуот дўконлари қад ростлади. Республикада чоп этилаётган газета ва журналлар узоқ туманларга ҳам етказиб берилиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қишлоқларнинг инфратузилмасини ривожлантириш биринчи навбатда маънавий онгнинг устунлигига боғлиқ. Оммавий ахборот воситалари эса маънавият жарчиларидир.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

*Ўтган йили Поп туманидаги мавжуд 17 хўжаликдан атиги 3 таси давлатга пахта ва ғалла сотиш режасини бажарган эди. 14 та хўжалик эса пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажара олмади.*

*Тумандаги «Поп» ширкатлар уюшмаси ва Найман жамоа хўжаликларида ўтган йили кўрсатгич ниҳоятда паст бўлди.*

*Хўш, ушбу хўжаликларда янги мавсум қандай? Минг афсуски, улар ўтган йили йўл қўйган камчиликларидан ҳали-ҳануз тегишли хулоса чиқариб олмаган кўринади. Негаки, тумандаги айрим хўжаликлар янги мавсумга эътиборсиз қарашмоқда. Хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик техникалари номигагина таъмирланган.*

*Мисол учун «Навбаҳор» жамоа хўжалигини олиб кўрайлик. Бу ерда айни кунларда олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидай эмас. Ҳолбуки, ўтган йили режа бажарилмай қолган эди. Хўжаликнинг марказий таъмирлаш устахонасида ўтган мавсумда ишлатилган комбайн дарвоза олдида талон-торож қилинган ҳолда сочилиб ётибди. Худди шу сингари плёнка остига пахта экадиган сеялкалар ҳам занг босиб қолган.*

*Раҳбарларнинг айтишларича, бу хўжаликда плёнка остига пахта экилмас экан. Шу боис сеялкаларга унчалик ҳам эҳтиёж йўқ. Аммо раҳбарлар сеялкаларнинг катта пул эвазига сотиб олинганини унутишмаса бўларди.*

*Шу боис туман хўжаликларида чигит экиш сурьати паст.*

*Суратларда: «Навбаҳор» жамоа хўжалигининг марказий таъмирлаш устахонасидаги қаровсиз, сочилиб ётган техника ва уларнинг эҳтиёт қисмлари.*



■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

# ИШ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНДИ

*Шу йил 10 февралда «Ўзбекистон овози» таҳририятига Самарқанд вилояти, Иштихон тумани «Азамат» жамоа хўжалигида яшовчи ҳамшира Саломат Нурмаматовадан шикоят хати келган эди. Муаллиф хатда номаълум сабабларга кўра унинг иш ставкаси 0,5 га туширилганидан арз қилади. Ушбу хат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига текшириш учун юборилган эди. У ердан жавоб хати келди.*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар, фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси шуни маълум қиладики, С. Нурмаматованинг аризасини Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси кўриб чиқди.

Иштихон тумани Марказий шифохонасининг 2000 йил 29 февралдаги 325-сонли буйруғига асосан С.Нурмаматова бир ставка иш билан таъминланган.

■ **Бош бошқарма бошлиғи**
**Ф. АКИЛОВ**

ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# БОСҚИНЧИЛАР

Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида яшовчи 1965 йилда туғилган Акромхон Муҳсимовнинг уйига юзига ниқоб кийган, қирқма милтиқ билан қуролланган кимсалар бостириб киради. Номаълум шахслар хонадон соҳибини уриб, қийнайди ва қурол ўқталганча дўқ-пўписа билан қўрқитиб, ундан катта миқдорда пул талаб қиладилар. Текин даромад илинжида содир этилган ушбу босқинчилик Акромхон Муҳсимовнинг уйидан 100 минг сўм пул ва 600 минг сўмлик турли буюмларни олиб кетилиши билан якун топади. Бу ҳақда Косонсой тумани ИИБга хабар қилингач, ички ишлар ходимлари томонидан тезкор тадбирлар бошлаб юборилади ва кўп ўтмай мазкур жиноятни содир этган кимсалар — Абдутолиб Аҳмедов, Мадаминхон Ҳамидов, Абдумалик Розиқов, Султонхон Турсунов, Абдурауфхон Убайхонов ва Мубиллахон Раҳмоновлар далилий ашёлар билан қўлга олинди.

# ЁТИБ ҚОЛГУНЧА ОТИБ ҚОЛ

Ўзганинг мулкини талон-торож қилишни айрим шахслар моддий жавобгарликдан ҳоли иш, деб қарашса керак. Ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш тутган Усмон Юсупов туманидаги Жейнов пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тарозибони Мухтор Пўлатов Чироқчи туманидаги «Чиял» жамоа ширкатхўжалигида яшовчи Нуриддин Хўжақуловга 5850 килограмм чигитни 300 минг сўмга сотаётган пайтда вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция-рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Мухтор Пўлатовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

■ **Шуҳрат РЎЗИЕВ тайёрлади**

# «МИНГ ЙИЛЛИК АССАМБЛЕЯСИ»

БМТ Бош Ассамблеяси шу йилнинг 5 сентябрда бошланадиган навбатдаги 55-сессиясини «Минг йиллик ассамблеяси» деб эълон қилди ва уни «Давлат ва ҳукумат бошлиқлари минг йиллик саммити» доирасида чақиришни қарор қилди. Мазкур тадбир халқаро ҳамжамиятнинг фаол мавқеини ишлаб чиқиш ва тасдиқланишига ажойиб имконият яратади, XXI аср муаммоларини ҳал қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини янада ошириш учун ёрдам беради.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот аъзолари томонидан даврнинг энг мураккаб муаммолари муҳокама қилиниши уларнинг қулай ечимини топишга ёрдам бермоқда. «Минг йиллик ассамблеяси»нинг кун тартиби ўтмишда қилинган ишлардан кўра, кўпроқ келажакдаги муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликнинг истиқболли масалалари ва БМТнинг кейинги юз йилликдаги роли масаласини кўриб чиқиш мўлжаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ана шу ташкилот Бош Ассамблеясининг олий минбаридан икки бора Марказий Осиёда жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал қилинадиган энг долзарб масалаларга жаҳон жамоатчилигининг фикрини қаратди. Булар Афғонистондаги биродаркушлик уруши, Тожикистондаги можаролар, халқаро терроризмнинг хавфи ортиб бораётганлиги ва мамлакатларимиз ҳудудидан гиёҳванд моддаларининг транзит йўли сифатида фойдаланишга ҳаракат қилинаётганлиги ҳамда Орол бўйидаги экологик ҳалокат шулар жумласидандир.

Минг йиллик саммити БМТга аъзо давлат бошлиқларига бутун инсоният олдида турган муаммоларни ҳал қилишда яқдил фикрга келиш учун ажойиб имкон беради.

■ **Б. МАМАЖОНОВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги махсус мухбири,**
**Нью-Йорк.**

## САВДО ТАҚИҚЛАНСА...

Кения Президенти Даниэл арап Мои фил суяги савдосини бутунлай тақиқлаш лозимлиги ҳақида баёнот берди. У шу масалага бағишлаб Кенияда ўтказилган халқаро анжуманда ўз фикрини баён этиб, вазиятнинг олди олинмаса, филлар бутунлай қирилиб кетиши турган гап, деди.

Маълумотларга қараганда, Африкада 1979 йилда филлар сони 1,3 миллионга етар эди. 1999 йилга келиб эса бу кўрсаткич 650 мингга тушиб қолган.

## ТЕПАЛИККА УЙ ҚУРИШМОҚЧИ

Исроил ҳукумати Сурия-дан тортиб олинган Жўлон тепаликларига бир неча турар жой биноси қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда Исроил ҳукумати вакили Хаим Рамон айтди. У Сурия-Исроил тинчлик музокараларининг тикланишига тўсқинлик қилувчи ушбу қарорни шарҳлар экан, Сурия билан тинчликка эришиш учун ҳали барибир кўп вақт керак бўлади, деди.

## МАЪҚУЛЛОВЧИЛАР КЎПЧИЛИК

Болгария аҳолисининг кўпчилиги мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлишини маъқуллайди. Софиядаги жамоатчилик фикрини ўрганиш миллий маркази ўтказган сўров натижалари шуни кўрсатмоқда. Ушбу тадбирда қатнашганларнинг 57 фоизи Болгариянинг Шимолий Атлантика ҳарбий блокига қўшилишини ёқлашини маълум қилди. Қарши овоз берганлар 24 фоизни ташкил этди.

## АҚИДАПАРАСТЛАР ҲИБСГА ОЛИНМОҚДА

Қувайт хавфсизлик хизмати ходимлари бир неча кундирки, мамлакатдаги ақидапарастлар ташкилотлари аъзоларини ҳибсга олмоқда. Бунга ўтган ҳафта ақидапарастларнинг замонавий кийингани учун 19 ёшли талаба қизни ислом арконларини оёқости қилаётганликда айблаб, шафқатсиз калтаклагани сабаб бўлди. Шу кунгача 21 киши ҳибсга олинган.

Ушбу ҳодиса мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлгани учун Қувайт Бош вазири, меросхўр шаҳзода Саад ал-Абдулла ас-Сабоҳ мазкур ишни ўз назоратига олди. Ҳукумат бу ҳодисани ўрганиш учун тартибни сақлаш идоралари ходимларидан иборат махсус комиссия ҳам ташкил этди.

## ГРАНАТА ПОРТЛАДИ

Байрутдаги Авлиё Юсуф университети ҳудудида граната портлади, деб хабар беради Ливан радиоси. Полиция хабарига қараганда, ушбу фожиа оқибатида бир талаба ҳалок бўлган, тўрттаси жароҳатланган. Муҳандислик факультети талабаларининг аудиториялардан бирида граната билан нотўғри муомалада бўлгани портлашга сабаб бўлди. Айни пайтда полиция қандай қилиб бу хавфли қурол талабалар қўлига тушиб қолганини текширмоқда.

## ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ

Туркия жорий йилда Грузия мудофаа вазирлигига 4 миллион АҚШ доллари ҳажмида грант ажратади. Бу ҳақда Грузия мудофаа вазирлиги хабар тарқатди. Ушбу маблағнинг катта қисми мамлакат армияси таркибидаги 11-бригадани қайта ташкил этиш ва НАТО андозаларига мос инфратузилма яратишга сарфланади.

■ **ЎзА**

## СУДАНДА МЕНИНГИТ ЭПИДЕМИЯСИ

Суданда менингит эпидемиясининг тарқалиши тез-тез кузатилади. Бунга қуруқ ва иссиқ иқлим, эмлаш учун етарли тиббий имкониятлар йўқлиги сабаб бўлади. Бу мамлакатда навбатдаги эпидемия тарқалиши жорий йилнинг бошларига тўғри келади. Ўтган вақт мобайнида мамлакатда ушбу касаллик билан оғриган 2,5 минг киши рўйхатга олинди. Уларнинг 200 дан ортиғи оламдан кўз юмган.

## ЖИДДИЙ ТЎҚНАШУВ

Кения шимолида гарре ва боран элатлари ўртасидаги қуролли тўқнашув жиддий тус олмоқда. Шу сабабли ҳукумат бу туманга қўшимча ҳарбий бўлинмалар киритишга мажбур бўлди. Эфиопия билан туташ ҳудудларда эса чегара вақтинчалик ёпиб қўйилди.

Гарре ва боран элатлари ўртасида жанжал келиб чиқишининг сабаблари номаълумлигича қолмоқда. Илгари улар сув манбалари ва яйловлар учун талашиб уришар эди.

# ЎЗБЕК АЁЛИ ЕВРОПАЛИК ХОНИМ НИГОҲИДА

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дунё ҳамжамиятининг диёримизга бўлган қизиқиши янада ортди. Фрайбурглик (Германия) этнограф олима, адиба Габриэле Келлернинг Самарқанддаги Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати музейи, Конрад Аденауэр фонди Тошкент шаҳар бўлимининг Адельхаузер Фрайбург номли табиатшунослик ва этнография музейи билан ҳамкорликда ташкил этган «Ўзбекистонда аёллар маданияти — европалик аёл Марказий Осиё қадимий анъаналари изидан» мавзуидаги кўргазма фикримизнинг ёрқин исботидир. Термиз шаҳрида очилган мазкур кўргазма 14 апрелгача ўз ишини давом эттиради.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши Габриэле Келлерда ушбу кўргазмани ташкил этиш иштиёқини уйғотди. Кўргазмадан германиялик этнограф олиманинг ўтган йил давомида Самарқанд вилоятига уюштирилган экспедицияси натижасида тўпланган экспонатлар — юксак маҳорат билан суратга олинган 150 дан ортиқ рангли фотосуратлар ҳамда сўнгги йилларда яратилган ўзбек халқ амалий санъатига оид 100 га яқин асарлар жой олган. Кўргазмали ашёлар учун чуқур мушоҳада билан тузилган кенг қамровли шарҳлар ўзбек аёлининг оила, жамият ва сиёсий ҳаётда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилади.

■ **«Туркистон-пресс».**

Жакартадаги дала ҳовлилар


Вьетнам. Халонг қўлтиғи

САБОҚ

# БИР ДОНА ДОН

Дунёнинг ишлари ҳеч вақт тўкис бўлмаган. Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ. Бир замонлар шўринг қурғур деҳқон экай деса уруғ тополмаган. Ери эса етилган, экишга тайёр. Нима қилиш керак. Уруғни қайдан олсин? Боши қотганча алам билан ерни қайта-қайта чопиб, ағдаради.

Ниҳоят бир қарорга келади. Кўни-қўшнидан уруғлик сўрашга аҳд қилди. «Бермаса-чи? Берар, наҳотки йўқ деса». У шу хаёллар билан қўшнисининг ҳовлисига кириб борди. Қўшни супада ўтириб, мош елпирди. Баркашдаги мошни ғалвирга солар, элаб-элаб яна баркашга солиб қайтадан елпирди. У ўз иши билан шунчалик банд эдики, ён қўшниси кириб келганини сезмади. Ногаҳон баркашни силкитаётганда бир дона дон ерга тушди. «Э, занғар, шошма, қаёққа борасан?» деб ўрнидан туриб, супадан пастга тушиб ердаги донни олди. Шу бир дона дон учун ўзини томдан ташлаган одам наҳотки менга уруғлик берса, — кўнглидан ўтказди деҳқон. Шайтон асло сўрама дерди, раҳмон эса сўрашга ундарди. Охири астагина «ҳорманг қўшни» дея олди, холос.

— Эй, келинг-келинг, қайси шамол учирди, нечук бизни йўқлабсиз? — деди қўшниси қўлидаги баркашни ерга қўйиб.

— Бир илтимос билан келдим. Ерим экишга тайёр. Аммо уруғлик... Ўзингиздан қолар гап йўқ, қўшнижон. Қўл қисқалик қилиб, уруғликни ҳам рўзғорга ишлатиб юборгандик.

— Уруғ асрамаган деҳқон — деҳқонми? Хирмон кўтарганда қаёқда эдингиз?

— Йўқ деманг қўшни, бир илож қилинг, мендан қайтмаса худодан қайтсин. Ер бўш қолмасин. Бола-чақа дегандай.

— Йўқ дея олмайман. Бермасам худонинг қаҳри келади. Сўраганнинг бир юзи қора, бермаганнинг икки юзи. Майли, шартим бор, билиб қўйинг бир кафт уруғ — бир этак дон бўлади. Шуни ҳисобга оласиз. Мана шу ғалвирда ўлчаб оламан, — деб ёнида турган ғалвирни кўрсатди.

— Албатта, қўшнижон, бирингизни икки қилиб қайтараман. Мендан қайтмаса худодан қайтсин.

— Қани, идишингизни олиб келинг. У ўрнидан оҳиста туриб, ҳужрани очди. Қатор идишлар, бирида мак-ка, бирида мош, бошқасида эса ловия. У оҳиста бир қопни очди. Ҳовучлаб дон оларкан, бир донасини ҳам ерга туширмасди.

— Уруғликка бўлгани учун бердим. Майли, ерингиз бекор қолмасин. Лекин қайтаришни унутмайсиз.

Деҳқон суюнганича уруғликни кўтариб уйга қайтаркан, ўйларди:

— Ҳақиқатан ҳам айтганларича бор экан, «Яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам қўшнинг ярайди», деб. Пўрсиллаб ётган ер бекор қолса, менга ҳам, қўшнимга ҳам не наф. Майли, кузда бир ҳовуч ўрнига бир ғалвир донни қўшнимга берарман. Бундан мингдан минг розиман. Ахир мўл ҳосил етиштирсам унинг баракаси бутун юртга татийди-ку. Эл насибаси яратилади-ку. Демак, ҳамонки, эл-юрт тўқ бўлар экан, менинг кўнглим кўкка ўрлайди.

Агар уруғлик сўралганда, бўла туриб берилмаса энг улкан гуноҳ саналади. Уруғлик асрамаган деҳқон ҳам, сўраганда бермаган қўшни ҳам ернинг уволига қолади.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

# МАМЛАКАТГА — МЎЛ ВА СИФАТЛИ ПИЛЛА!

*Муҳтарам пиллачи онахонлар, отахонлар, опа-сингиллар ва ака-укалар!*

*Суюкли Ўзбекистонимиз оппоқ пахтаси, сержило ипаги, қимматбаҳо қоракўл терилари, ширин-шакар мевалари, тилёрар қовун-тарвузлари билан машҳур жаннатмакон ўлкадир. Эндиликда мамлакатимиз беҳисоб ерости бойликлари — олтини, гази, нефти билан дунёга танилмоқда. Биз ниҳоятда муҳим бўлган нефть ва дон мустақиллигига эришдик. Иқтисодимизнинг асосий тармоқлари жадал ривожланиш йўлига тушиб олди.*

*Ўзбекистонимизнинг яна бир асосий бойлиги пилла ҳисобланади. Ундан олинадиган маҳсулотлар мамлакатимизга валюта тушумини оширишда асосий манбалардан биридир.*



*Афсуски, кейинги йилларда аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган пиллачиликда қатор салбий ҳолатлар рўй берди. Тутзорлар майдонининг қисқаришига йўл қўйилди, мавжуд тутзорлар қаровсиз қолди, молларга пайҳон қилдириб қўйилди. Умуман, тармоққа эътибор сусайди. Оқибатда республикада пиллачиликнинг озуқа базаси 42 фоизга, пилла хомашёси ишлаб чиқариш 30-35 фоизга камайди, ўртача ҳосилдорлик 60-65 килограммдан 50-55 килограммга тушиб қолди.*

*Республика Президенти ва ҳукумати Ўзбекистонда ипакчилик соҳасига оид махсус фармонлар ва қарорлар қабул қилдиларки, соҳада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Республика эндиликда фақат пилла хомашёси эмас, балки ипак ва тайёр шойи газламалар экспорт қилувчи мамлакатга айланиб бормоқда. Бу ўз навбатида, ипакчиликдан олинадиган ялпи даромаднинг бир неча баробар кўпайишига олиб келади.*

*Биз ватан фидойилари бўлган пиллакорлар, ипакчилик мутахассислари бошлаган ҳаракатдан четда қола олмаймиз.*

*Ота-боболаримиз ипак қуртини ва пиллани илоҳий мўъжиза деб аввалдан келганлар, дуо кетган соҳа деб билишган, пиллачилик касбини эъзозлаганлар. Пилла йилнинг биринчи ҳосили бўлиб, барака келтирувчи сифатида ардоқланган.*

*Эндиликда соҳани ривожлантириш, мўл ва сифатли пилла етиштириш тажрибасини кенг ёйиш, 4000 йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон пиллачилигининг довруғини тиклаш, ҳар бир қути қурт уруғидан 75-80 килограммдан пилла ҳосили олишга эришиш каби шарафли вазифа бизнинг зиммамизда.*

*Азиз пиллакорлар! Қийинчилик даврларида ҳам пиллакор номингизни сақлаб қолдингиз. Бундай жонбозликларингиз учун Сизларга таъзим. Келинглар, биргаликда 2000 йил пилла ҳосилини мўл қилайлик. Агротехник қоидаларга риоя этиб, тажрибали агрономларимиз тавсияларига қулоқ тутайлик, даврани кенг олиб, миришкорликни оширайлик.*

*Бу йил мўл ва сифатли пилла етиштириш, салмоқли даромад эгаси бўлишга бел боғлаяпсиз. Илоҳо ниятингизга етинг!*

*Сиз билимдон, катта тажрибага эга пиллачисиз. Биз Сизга мадад бермоқ ниятидамиз. Ҳар қути қурт уруғидан мўл ва олий навли пилла олишингизни тилаймиз.*

*Вилоят, туман ва хўжаликларнинг ишбилармон раҳбарлари, пиллачилик агрономлари ва мутахассислари! Сизга мурожаат этамиз: инкубация, қурт боқиш, пиллани қайта ишлаш жараёнини ташкил этишда пиллачиларга мададкор бўлинг!*

*Эл-юрт ризқини мўл қилаётган бободеҳқонлар, миришкор фермерлар! Сизларга мурожаат этамиз:*

*— пиллачиликнинг асосий озуқаси — тут баргини кўпайтириш мақсадида мавжуд бўлган тутзорларни ва ҳар бир тут дарахтини кўз қорачиғидай асрашни, тут кўчатларини экиш ва тутзорлар майдонини кенгайтириш, уларга сифатли ишлов беришни амалга оширайлик, суғориб ўғит берайлик.*

*Баҳорги ипак қурти парваришлаш мавсумини муваффақиятли ўтказиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ташкил қилайлик.*

*Ипак қурти уруғларини очиришда, қуртларни қурт боқувчи оилаларга тарқатишда, уларни парваришлаш жараёнида, даста қўйишда, пиллани теришда, уларни қабул қилиш пунктларига топшириш агротехника талабларига қатъий риоя қилайлик, мутахассислар маслаҳатига таяниб, илғор тажриба ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этайлик.*

*Келинг дўстлар, руҳиятимизни янгилатувчи, дилларимизни қувончга тўлдирувчи пилла етиштириш мавсумига эътиборимизни қаратайлик.*

*2000 йилда мавсумни муваффақиятли ўтказиб, давлат андозаларига жавоб берадиган мўл ва юқори сифатли пилла ҳосилини етиштирайлик.*

*Бу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун пилла етиштиришда иштирок этаётган барча пиллачиларга, мутахассисларга, хўжалик раҳбарларига сиҳат-саломатлик, куч-қувват, оилавий бахт ва омад ёр бўлишини Оллоҳ Таолодан сўраб қоламиз.*

**«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ**

ТОЛИҚИШ СЕЗАЯПСИЗМИ?
ХАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС
Ётиш 2 дона капсула, ўзингизни кун бўйи енгил ҳис қиласиз
ХАЙР ТОЛИҚИШ, ЯШАСИН БАҲОР!
2730

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Майманоқ Қасби туманидаги аҳолиси кўп қишлоқлардан. Баҳорий нафас кезиб юрган айни кунларда бу қишлоқда қувончли воқеа бўлди. Беш минг томошабинга мўлжалланган янги ўйингоҳнинг фойдаланишга топширилиши ўзига хос тантанага айланди.

■ **Абдулла АЙИЗОВ**

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни
сотади
ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97.
Факс: 54-49-11.
Пейжер: (067) 90-79

«АЛОҚАБАНК»
ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкининг 66-сонли 00401 код рақамли таъсиси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат университети томонидан 1988 йил 10 июлда рўйхатга олинган №25001 сонли Мингбоева Раҳима номига берилган №827543 рақамли ҳуқуқшунослик ихтисоси ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги А. Тўлаганов номли 7-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Мирғани Асқарович Акбаров номига берилган VZA № 084960 рақамли ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти офтальмология кафедрасининг собиқ кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор
**Муҳаммаджон Комилович КОМИЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан маҳрумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

## БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН

Шу йил кузда бошланадиган Сидней олимпиадасига номзодларни саралаш қизғин давом этмоқда. Ўзбекистонлик спортчилар ҳам сафларини кенгайтирган, маҳоратларини оширган ҳолда жаҳон спорт анжуманига ҳозирланишмоқда. Бу борада, айниқса, боксчиларимизнинг омадлари келиб турибди. Юртимиз чарм қўлқоп усталари Сиднейга ўн нафар бўлиб боришга чоғланмоқдалар. Олимпиадага берилган сўнгги икки йўлланманинг эгаси яқинда Бангкок шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада аниқланди. 20 мамлакатдан 140 нафар боксчи иштирок этган бу баҳсда 51 килограмм вазнли Рафқат Эралиев, 60 килограмм вазнда Асқар Султонов, 71 килограммли Дилшод Ёрбеков ҳамда 75 килограмм вазнда Ўткирбек Ҳайдаровлар олимпиада йўлланмасига даъвогарлик қилдилар. Рафқат билан Асқар имкониятни бой бериб қўйишди. Дилшод Ёрбеков эса финалда филиппинлик Кристофор Сматни доғда қолдирди. Ўткирбек Ҳайдаров якунловчи учрашувда таиландлик Тайец Самгайни мағлубиятга учратди. Шундай қилиб боксчиларимиз олимпиада йўлланмасини ўнтага етказишди.

## ЧЕМПИОН ЯНА САРДОР

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионатининг 6-тур учрашувлавридан кейин пешқадамлар ўрнида ўзгариш бўлди. Мамлакат чемпиони — «Дўстлик» футболчилари «Насаф»ни қабул қилиб (3:2) очколарини 14 тага етказган ҳолда биринчи ўринга кўтарилишди. Тракторсозлар эса сафарда «Семург» футболчилари билан дуранг (1:1) ўйнашди. Шундай қилиб, ўн учтадан очко тўплаган «Насаф» ва «Трактор» жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Энг қизиқарли учрашувлардан ҳисобланган «Навбаҳор» — «Нефтчи» ўйини бошқа кунга қолдирилди. Сабаб навбаҳорчилар Осиё футбол федерациясининг рухсати билан Осиё кубок эгалари кубоги учун курашнинг ярим финалида иштирок этадиган бўлишди. Саудия Арабистонининг «Ал-Ахли» жамоаси бундай учрашувдан бош тортгани учун шундай қарорга келинди. Бугун навбаҳорчилар Ироқнинг «Ал-Завра» жамоаси билан учрашадилар. Пахтакорчилар сафига И. Шквириннинг қайтиши эса ўз самарасини бермоқда. «Пахтакор» навбатдаги учрашувни «Металлург» билан ўтказиб, ғалабага эришди ва очколарини еттитага етказиб, анча ўнгланди. Тўпларни эса А. Абдураимов (35м) билан И. Шквирин (55м) дарвозага йўллашди.

### ҲИКМАТЛАР

** Тили ширин одамнинг дўстлари кўп бўлади.*

** Шердан қўрққандан кўра нафсдан қўрққан фойдалироқ.*

** Дунёнинг ғам-ғуссаси уч кишида бўлади: севиклисидан айрилган севувчида, фарзанди йўлдан адашган меҳрибон ота-онада, мол-мулкидан ажралган ўзига тўқ одамда.*

** Кимки илм уруғини сепса, улуғлик мевасини теради.*

** Кибр-ҳаво ёқимли отдир. Агар унинг жилови ақл билан бошқарилмаса, ўз соҳибини ҳалокат томон олиб кетади.*

** Бадфеъллиқдан қочган киши тойилишдан узоқлашади.*

** Ҳақиқий мард ўз нафсига ҳоким бўлолган кишидир.*

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ҚАЛБ ПОРЛАСА СЎНМАЙДИ

Йирик шарқшунос-манбашунос, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари тарихи, фани ва маданиятининг зукко билимдони, Ўзбекистон тарихчилар жамиятининг раиси, ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг директори, физика-математика фанлари номзоди, тарих фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Ашраф Аҳмедов ўзининг бутун иқтидори ва илмий салоҳиятини Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганиш каби ниҳоятда машаққатли, шу билан бирга ўта масъулиятли ва зарур ишга бағишлаб келмоқда.

1963 йили Тошкент Давлат университетининг (ҳозир Ўзбекистон Миллий университети) физика-математика факультетини битирган Ашраф Аҳмедов бугун етук шарқшунос-манбашунос олимга айланди. Ўзбекистон тарихчилар жамиятини бошқаряпти. Атрофдан қараган кишига физика-математикани шарқшунослик, тарихшунослик каби фанлар билан боғлаш қийиндек туюлади. Лекин, шуни алоҳида қатъият билан таъкидлаш жоизки, олимнинг аниқ фанлар соҳасидаги олий маълумоти унинг ноёб шарқшунос даражасига кўтарилишининг асосий омилларидан бири бўлди. А. Аҳмедовдаги ватанимизнинг Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, ал-Беруний, Мирзо Улуғбек каби олимларнинг меросини ўрганишга бўлган катта иштиёқи араб ва форс тилларини эгаллаб олишга сабаб бўлди ва ёш олимни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига етаклаб келди. Маълумки, номлари зикр этилган алломалар асосан аниқ фанлар бўйича буюк илмий мерос қолдирганлар. Уни ўрганиш эса араб, форс тилларини билишдан ташқари, аниқ фанлар соҳасида ҳам бой тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Унинг илмий изланишлари натижасида Ўрта Осиё халқларининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссасини аниқлаш йўлида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу эса мустақил Ўзбекистонимизнинг бой маданий меросини башарият фани ва маданияти тараққиётидаги ўрнини белгилаб беришда аҳамият касб этади.

Ашраф Аҳмедов 200 га яқин илмий ишларнинг муаллифи. Улар ичида буюк ватандошларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбекка оид тадқиқотлар айниқса, диққатга сазовордир. У Шарқшунослик институтидаги илмий фаолияти жараёнида фан тарихида биринчи марта Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Жадиди Гўрагоний» асарининг русча таржимасини тўла илмий изоҳлар билан нашр этди. А. Аҳмедов Берунийнинг «Геодезия», «ат-Тафҳим», «Маъсуд қонуни», Муҳаммад ал-Хоразмийнинг математика, астрономия, географияга оид кўп асарларининг таржимон ва тадқиқотчиси, «Амир Темурнинг жаҳон тарихида ўрни» номли йирик китобнинг муаллифларидандир.

Ҳозирда ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг мудири лавозимида ишлаб келаётган А. Аҳмедов бу институт томонидан инглиз ва рус тилларида тайёрланган «Ўрта Осиё халқларининг маданияти», «Ўрта Осиё халқларининг амалий санъати», «Буюк ипак йўлидаги шаҳарлар ва йўллар», «Самарқанддаги Суғд иҳшидлари саройи» номли йирик тадқиқотларга муҳаррирлик қилди.

Ашраф Аҳмедов нафақат серқирра олим, балки жонкуяр мураббийдир. У қадимий ва навқирон тарихимиз, бой маданий меросимизни ўрганишга интилган қатор ёшларга устозлик қилмоқда. Кўплаб ёш олимлар унинг бевосита илмий раҳбарлиги остида номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли якунладилар ва якунлаш арафасида турибдилар.

■ **Баҳром АБДУҲАЛИМОВ**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.**

## ЯШИЛЛИК — ЯШАШ РАМЗИ

Ҳар баҳорда юртда яшиллик. Боз устига кўкаламзорлаштириш бошланади. Ўрта мактабда ўқиб юрганимдаям мактабимиз ҳовлисига турли хил кўчатлар ўтқазардик. Лекин ҳеч ўзим кўчат сотиб олмагандим. Кичик укам Бобур 2-синф ва унинг дўсти Сардорбек Ҳамза туманидаги 307-ўрта мактабда 1-синфда ўқишади. Болакайларни бошлаб кўчат харид қилиш учун шундоқ ёнгинамиздаги Паркент бозорига чиқдик.

Кўчатчилар олдинига «кичкина бозорчи»ларга кўпам аҳамият беришмади. Негадир ёши улуғ кекса сотувчи уларни ёнига чақирди-да:

— Ҳа, ота ўғиллар, кўчат экмоқчимисизлар? — деди. Кейин отахоннинг юзлари ёришиб, менга юзланди. — Кам бўлма қизим, дарахт экиш кўп савоб... — дедилар. Сардорбек гилос, Бобурбек олча кўчати танлади.

Кўнглим ёришиб, баҳорни нақадар соғинганимни сездим. Одамлар нега бизга хайрихоҳ кулиб қараётганини англаб етгандайман. Халқимиз яратишни, обод қилишни яхши кўради. Яшиллик, асли яшаш рамзи-да.

Эртаси эрталаб туриб деразани очдим. Қарасам, «Мустақиллик» маҳалламизнинг бир тўп болалари кўп қаватли уйлар олдидаги майдончага шовқин-сурон билан кўчат ўтқазишяпти. Беихтиёр кўнглимга аллақандай илиқлик кирди. «Яшил юртнинг болалари...» беихтиёр пичирлайман.

■ **Барно АЛИЕВА, талаба.**

— Менинг баҳорим.

Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Азиз НОСИРОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Фаррух Ҳамроев*
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Сахифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

*Топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 20.30*
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

БИЛАСИЗМИ?

# ОЙГА УЧГАН ОДАМЛАР

Бундан 31 йил муқаддам башарият дунёсида оламшумул воқелик юз берди: биринчи марта Ойга инсон қадам ранжида қилди.

Ўшанда фақат икки мамлакатгина — собиқ СССР ва Хитой телевидениесигина америкалик фазогирларнинг Ойга учишини намойиш этмади. Фақат сарғайган газета варақларидагина бу ҳақдаги хабарлар тарих учун қолди холос.

Қисқаси, 1961 йили Юрий Гагариннинг оламшумул фазовий фаолиятидан сўнг америкалик фазогирлар ҳам коинотга учишган, аммо Ойга қўниш бирдан-бир орзу бўлиб қолмоқда эди. Гагариннинг фазога «ташрифи»дан кейин бир ой ўтгач, яъни майда АҚШ Президенти Жон Кеннеди мамлакат Конгрессига хат йўллади. Унда Ойга қадам ранжида қилиш Америка халқининг бирдан-бир мақсади эканлиги изҳор этилганди. «Шу ўн йилликда инсониятнинг Ойга қадам қўйиш мажбуриятини мамлакатимиз ўз зиммасига олишига ишонаман», — деганди Кеннеди ўз баёнотида. «Аполлон»ни Ойга учириш дастури ана шундан сўнг бошланди. Унга 24 миллиард доллар сарфланди. Бу АҚШдаги олтин заҳиралари баҳосидан икки баравар кўп эди. «Аполлон» лойиҳасини амалга оширишда 20 минг фирма ва корпорация, кўплаб саноат тармоқларининг 400 мингдан ортиқ муҳандислари, олимлар ва хизматчилар қизғин иш олиб бордилар.

Олти йил деганда оғирлиги деярли 3000 тонна, баландлиги 40 қаватли бино билан тенг бўлган «Сатурн — 5» номли улкан ракета бунёд этилди. Бу уч босқичли ракетанинг «отаси» иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШга кўчиб кетган немис муҳандиси Вернер фон Браун эди. Шунингдек, ўша йили 15 миллион деталдан иборат бўлган «Аполлон» фазо кемаси ҳам яратилди.

1969 йилнинг июлида космодром жойлашган Флорида қирғоқлари сонсаноқсиз сайёҳлар, минглаб журналистлар, олимлар ва бошқа соҳа кишилари билан лиммо-лим бўлди. Барчанинг нияти бир — «Аполлон — 11»нинг парвозини кўриш. Тўғри, бу ерда биринчи марта ракета учирилиши эмасди. Аввал ҳам «Аполлон — 8» Ой атрофини айланиб чиққан. «Аполлон — 10» фазогирлари эса Ойнинг 15 километр сатҳигача пастлаган. Эндиги вазифа ерликлар кўзига кўриниб турган Ойга қўниш ва қадам ранжида қилиш эди.

Шундай қилиб 16 июль соат 9.32 минут ўтганда (Вашингтон вақти бўйича) улкан ракетанинг парвози бошланди. У 43 тонналик космик кемани Ер орбитасига олиб чиқди. Кема Ер орбитасини бир ярим марта айланиб, Ой траекториясига ўтиб олди.

«Аполлон — 11» икки қисмдан иборат эди. Биринчиси асосий қисм бўлиб, унга «Колумбия» номи берилган ва унда фазогирлар учиши мўлжалланган, иккинчиси эса кемага уланган ғаройиб кабина, у Ойга қўниши режалаштирилганди. «Бургут» номини олган бу кабинанинг улкан ўргимчакни эслатувчи тўртта узун-узун «оёқ»лари бор эди.

Ердан Ойгача учиш уч кеча-кундузга мўлжалланган, лекин 25 соатда йўлнинг атиги ярми — 200 минг километри босиб ўтилди. Масофанинг қолган ярмига эса осмон механикаси қонуниятларига кўра кўпроқ вақт кетди. 19 июль (шанба эди) кечқурунгина марра ишғол этилди, яъни Ой орбитасига чиқилди.

Хўш, Ойга чиқиб инсоният тарихида катта «тўнтариш» ясаган бу қаҳрамонлар ким эди?

Кема сардори Нейл Армстронг ўшанда 39 ёшда бўлиб, профессионал фазогирлар сирасига кирарди. У «Жемини — 8» фазовий кемасида ҳам учган.

Эдвин Олдрин бўлса Армстронг билан тенгқур бўлиб, ҳарбий синовчи-учувчи, фазогир, шу билан бирга олим, фан доктори. Кўпчилик у ҳақда «электрон машина билан беллаша оладиган бирдан-бир «каллалик» одам» дейишарди.

Экипажнинг учинчи аъзоси бўлмиш Майкл Коллинз 38 ёшда бўлиб, у ҳам ҳарбий синовчи-учувчи, шунингдек, фазогир эди. Ойга учишдан аввал ҳам у бир неча марта коинотга учган, шу билан бирга икки марта очиқ фазога чиққан. Кейинчалик оғир касалликка чалинган ва умуртқасидан икки марта жиддий жарроҳлик операцияси ўтказилган. Иродаси кучли экан яна ўз соҳасига қайтди. «Ойга учишимни эшитиб, қувонганимдан шифтгача иргишлаб юборибман, — деганди у. — Ахир фазогирликка ярамай қолишдан чўчигандим-да».

Шундай қилиб уч «оғаини ботирлар» парвоз этишди. Олдиндан белгиланган режага кўра Ой юзасига «Бургут»да Армстронг ва Олдрин қўниши, Коллинз эса «Колумбия»да Ой орбитасида учишни давом эттириши керак эди. Шундай бўлди ҳам. АҚШнинг ўша пайтдаги Президенти Никсон фазогирлар Ойга қўнадиган кунни байрам — дам олиш куни, деб эълон қилди.

Ўша пайтда бу оламшумул воқеа бўлгани учун уч фазогирнинг ҳар бир ҳаракати тарих зарварақларига ёзиб қолинди. Қисқаси, Армстронг ва Олдрин кемасининг иккинчи қисми — «Бургут»га ўтиришгач, у асосий блокдан ажралди ва ярим соатча «Колумбия» билан ёнма-ён учишда давом этди. Сўнг асосий блокда қолган Коллинзнинг «Хайр, 30 соатдан сўнг кўришгунча» деган чақириғини эшитгач, «Колумбия»дан узоқлашди. Соат 23 дан 5 минут ўтганда, яъни Ой юзасига 24 километр қолганда «Бургут»нинг тормоз двигатели ишга тушди ва компьютер «мия» қўнишга ҳозирлик кўра бошлади. Кабина жудаям тор, ҳар бир килограмм ўлчовда бўлгани сабаб ҳатто фазогирлар ўтириши учун ўтиргичлар ҳам ўрнатилмаган, учувчилар мук тушганча етишиб олганди.

Армстронг кема Ойга қўнаётганлиги, ҳозирча барча механизмлар меъёрда ишлаётганлиги тўғрисида Хьюстондаги учишни бошқариш марказига радио орқали ахборот берди. Агарда салгина ҳалокатли ўзгариш юз берса, дарҳол «авария» тугмачасини босиб, тезлик билан қайта кўтарилиши мумкин ва улар бунга тайёр эди, аммо ҳартугул бу тугмачани босишга эҳтиёж сезилмади.

Қўнишга 150 метр қолганда Нейл Армстронг кема бошқарувини ўз қўлига олди ва қўнишга қулай жой қидира бошлади (шу пайтгача автоматик тарзда ердан бошқарилаётганди). Бир ёқдан ёнилғи ҳисобли эди, агар тугаб қолса борми, фақат муқаррар ўлим кутарди. Қисқаси, кемани текис жойга қўндиришнинг ўзи бўлмади, жуда қийин кечди. Қўнган жойи футбол майдонидек кенгликда бўлиб, атрофида улкан тошлар ва жарликлар бор эди. Шундай қилиб 1969 йил 20 июль соат 23 дан 17 минут 42 секунд ўтганда кема муваффақиятли Ойга қўнди.

— Алло, Хьюстон, — Армстронгнинг овози жаранглади. — «Бургут» Ойга қўнди!

Ер фазогирларга кемадан тушишга рухсат берди. Бу пайтда Ойда эрта тонг эди. Қуёш ҳали уфқдан пастда, атроф ва узоқларда ажиб манзара акс этарди. Махсус сувли скафандр (совутиб туриши учун) кийган ва ҳаётни таъминловчи асбоб-анжомлар махсус тўпламини орқалаган Армстронг Олдрин ёрдамида люкни очиб, темир зинапоядан пастга тушди ва яна бир люкни очиб, телекамерани бўшатди. Жуда узоқда бўлган ерликлар уларнинг Ойга қадам ранжида қилишини нафасларини ичига ютиб экран орқали кузатишарди. Армстронг кемадан нарироққа бориб, телекамерага қаради-да, қўлларини силкитди. Унинг ҳаракатлари ғоввоснинг сув остида юришини эслатарди — жуда секин, гўё сузаётгандек. Сабаб: Ойда тортишиш кучи Ердагидан 6 марта кам.

Армстронг аста Ой тупроғидан намуна учун олади. 20 минутлардан сўнг Олдрин ҳам Ой юзасига тушиб Армстронг ёнига келади. Улар биргаликда сакрашга, ҳатто югуришга ҳаракат қилишади. Ой юзаси қаттиқ эканлиги ҳам маълум бўлди. Фақат энг юза қисмигина жуда майда чангдан иборат экан.

Улар илмий асбоб-анжомларни керакли жойларга қўйишди, АҚШнинг миллий байроғини, унинг ёнига 136 та давлатнинг кичик байроқчаларини ўрнатишди, шунингдек, коинотни ўзлаштириш ишларида жон фидо қилган фазогирлар расмлари туширилган медалларни-да осиб қўйишди. Хьюстондан уларнинг кабинага қайтиши тўғрисида радиохабар келгачгина кемага қайтишди ва уч соат давомида кемани учишга тайёрлашди. Яна Ердаги миллионлаб юракларнинг ҳаяжони бошланди: эсономон учишолармикан? Ҳа, улар яна муваффақиятли учишди. Шундай қилиб одамзот ўзга дунёда 20 соат нафас олди. Улар Ойда ўзига хос ёдгорлик қолдиришди — кабинанинг қўниш зинапоясини. Унда қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилганди: «Ер сайёраси одамлари бу ерга биринчи бор қадам қўйишди. Биз бутун инсоният номидан тинчлик йўлида келдик. Июль. Асримизнинг 1969 йили».

Фазогирларнинг кейинги тақдири «Бургут»ни «Колумбия» билан туташтирув ва Ерга қараб уч кеча-кундузлик учиш билан ўтди. Уларни Тинч океанида «Хорнет» авианосеци кутарди. Авианосец бортида эса Президент Ричард Никсон ҳам бор эди. 24 июлнинг эрта тонгида аниқ режага кўра, фазогирлар кемаси учта улкан парашют ёрдамида Гавай оролларининг жануби-ғарбидаги океанга қўнди. Қизиғи шундаки, бу баҳайбат ракета Ердан кўтарилаётганда оғирлиги нақ 3000 тоннага яқин эди, Ерга қайтгач эса ундан атиги 6 тонналик «мисқол» қолди, холос.

Океан уларга меҳмоннавозлик кўрсатмади. Икки метрлик тўлқин самовий кемани тўнтариб ташлади. Кемани «оёқ»қа турғазгунча фазогирлар кўп куч сарфлашди. Яхшиям авианосецдан учган қутқарув командаси вертолётда тез етиб келди. Уларни қутқариб олгач, команда сардори фазогирларни ҳазиломуз огоҳлантирди: «Сизларни учираётганда қаҳрамонларча кузатамиз, лекин афсуски, моҳовлардек кутиб оламиз». Дарҳақиқат, шундай қилмаса бўлмасди: команда фазогирларнинг коинотдан қайтгандан кейин ўтайдиган қаттиқ тартибли карантинни назарда тутишганди. Олимлар «фазогирлар Ойдан турли касалликлар тарқатувчи номаълум бактерияларни «юқтириб» қайтмадимикан?» деган эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур эдилар.

Биомуҳофазали костюм кийган, юзларига ниқоб таққан фазогирлар тезда авианосецга олиб келинди ва махсус хонага киритилди. Фазогирлар билан бирга улар Ойдан олиб келган тупроқ ва умумий оғирлиги 30 килолик иккита тош ҳам шу хонага карантинга «тиқилди». Шундай қилиб Ойга «саёҳат» муваффақиятли якунланди. Шуни қўшимча қилиш керакки, Ойга кейинги парвоз 1969 йилнинг 14 ноябрида «Аполлон — 12» космик кемасида Конрад, Гордон ва Бин деган учувчилар иштирокида амалга оширилди. Кейин яна 5 марта шундай парвозлар қилинди. Фақат биттаси муваффақиятсиз якунланди, яъни «Аполлон — 13»нинг парвози. У Ойни бир марта айланибоқ, ракета носозлиги сабаб Ерга қайтиб тушди.

Мақолани Эдвин Олдриннинг қуйидаги сўзлари билан якунласа бўларкан: «Инсон шундай зотки, билмаганини билгиси келади, шу йўлда қанча мушкулликлар бўлса енгади. Мазкур учиш ҳам худди шу йўлдаги ҳаракатнинг бир кўринишидир».

■ **Хорижий манбалар асосида Зулхумор АБДУРАҲМОН қизи тайёрлади.**